# Куч – адолатда

*Адл ила олам юзин обод қил*

2020 йил
21 август,
жума
№ 29 (802)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## Шавкат МИРЗИЁЕВ:

## ПАНДЕМИЯ МУСТАҚИЛЛИК КУНИДА КАТТА ЙИҒИН ВА САЙИЛЛАР ЎТКАЗИШНИ ЧЕКЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев 20 август куни тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида пандемияни жиловлаш доирасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, Мустақиллик байрамини бундай шароитда нишонлаш юзасидан кўрсатмалар берди.**

Жумладан, қайд этилишича, бугунга келиб мамлакатимизда жами коронавирус юқтирганлар сони 37,5 мингдан ошди, шундан 33 мингдан зиёди ёки 88 фоизи соғайди. 4 минг беморни даволаш ва оиласи бағрига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бундай натижалар юртимиз тиббиёт ходимларининг буюк хизмати эканини алоҳида айтиб ўтди. Вазият, айниқса, Тошкент шаҳрида ижобий томонга ўзгараётгани, яқинда Россия, Германия ва Хитойдан таклиф этилган шифокорлар ҳудудлар ўртасида тақсимлангани, Германиядан яна мутахассислар келиши кутилаётгани қайд этилди. Хорижлик экспертлар асосан оғир аҳволдаги касалларни энг замонавий услублар асосида, тизимли равишда даволашга жалб этилмоқда, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, айни ҳафталар биз учун синовли давр бўлади. Кўрилаётган чоралар қанчалик натижа бериши кейинги ҳафтада аён бўлади.

Лекин аҳоли томонидан шифокорлар тавсияларига, яъни ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, оилавий маросимларни ихчамлаштириш каби қатъий эҳтиёт чораларига риоя қилинмас экан, давлат карантин чекловларини қайтадан татбиқ қилишга мажбур бўлиши қайд этилди.

Шу муносабат билан, ҳар биримиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга, ҳаракатларимизда эпидемилогик талабларга сўзсиз амал қилишга одатланишимиз кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Шу боис, ҳокимлар, сектор раҳбарлари ва вазирларга доимий равишда вазиятни таҳлил қилиб, COVID-19 тарқалишини қатъий чеклаш, беморларни самарали даволаш ва эҳтиёжмандларга ёрдам бериш бўйича барча чораларни кўриб бориш топшириғи берилди.

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллик айёми ҳам яқинлашиб келяпти.

Ушбу масалада шифокорлар билан маслаҳат қилган ҳолда шундай хулосага келиндики, пандемия билан боғлиқ вазият бу йил жойларда катта йиғин ва сайиллар ўтказишни чеклаш талабини қўймоқда. Шунинг учун ушбу улуғ санани кўпроқ оила даврасида нишонлашни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Корхона ва ташкилотларда ҳам байрам тадбирлари режалаштирилган тақдирда, уларни санитария нормаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида байрам кунлари қизиқарли, янги форматдаги кўрсатувлар, эшиттириш ва чиқишлар намойиш этиш борасида тавсиялар берилди.

**ЎзА**

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУДУДЛАРДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Карантин талаблари юмшатилгани туфайли мамлакатимизда иқтисодий фаоллик оша бошлади. Савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти тикланиб, даромадларни кўпайтиришга имконият пайдо бўлди.

Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлардаги қўшимча имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чоралари белгиланди.

Жорий йил 1 декабрга қадар 500 миллиард сўм қўшимча захира шакллантиришга тўлиқ имконият борлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу маблағлар эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан берилаётган пулларга қўшимча ресурс бўлади.

Август ойида 20 минг, сентябрда 26 мингта корхона фаолиятини тўлиқ қувватга олиб чиқиш, уларнинг пандемия туфайли тўпланиб қолган маҳсулотларини сотиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун йирик шаҳарларда қўшимча савдо жойлари ташкил этиш, талаб юқори бўлган истеъмол маҳсулотларини тўлиқ электрон савдо тизимларига жойлаштириш вазифаси юклатилди. Хомашё олиб келиш ёки экспортда қийналаётган корхоналарнинг транспорт-логистика масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқ берилди.

Вилоят ҳокимлари Бизнес-омбудсман, Божхона қўмитаси билан бирга 1 октябргача тадбиркорлар томонидан келтирилган технологик ускуналарни ишга тушириш ҳамда улар учун ер, бино, электр, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникация масалаларини ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳудудларда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича захиралар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, давлат томонидан ажратилган субсидия ва кам фоизли кредит эвазига Фориш туманида 100 та қудуқ қазилиб, фойдаланишдан чиқиб кетган 2 минг 700 гектар ерда 6 та токзор ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг бошқа соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган шиддатли ислоҳотлар амалий натижасини бермоқда. Ушбу йўналишда янги қабул қилинган қонунлар, жорий этилаётган таъсирчан аниқ механизмлар, тобора кўпайиб бораётган оқлов ҳукмлари — бу каби ижобий омиллар юртдошларимизда адолат, бахтли ҳаёт ва келажакка ишончни янада мустаҳкамламоқда.*

*Эътироф*

## МУСТАҚИЛЛИК ва инсон ҳуқуқлари



Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар халқаро кўламда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, шунингдек, АҚШ Давлат департаменти ўз ҳисоботларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар, хусусан, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш ва одам савдосига барҳам бериш борасидаги ислоҳотларга ижобий муносабат билдирди.

Жорий йилда мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз борганда, авваламбор, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг навбатдаги сессиясига тақдим этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу маърузада Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар алоҳида таъкидланган.

БМТ Махсус маърузачиси Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини бажаришга киришган пайтидан бошлаб, амалга оширган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлашга қаратилган ислоҳотнинг 8 та амалий натижасини бирма-бир санаб ўтган.

**Биринчи натижа** — суд ҳокимияти ва судлар хизматини ташқи сиёсий босимлардан муҳофаза қилиш борасида кенг ваколатларга эга бўлган конституциявий орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган.

**Иккинчи натижа** — суд тизими қайта тузилган, хусусан, Олий хўжалик судига тегишли вазифалар Олий суд тасарруфига ўтказилган, маъмурий ишлар бўйича судларнинг янги тизими яратилган ҳамда Адлия вазирлиги зиммасидаги судлар фаолиятининг маъмурий жиҳатлари билан боғлиқ айрим маъмурий ва техник функциялар Олий суд ҳузурида янги ташкил этилган Судлар фаолиятини таъминлаш бўйича департамент ихтиёрига берилган.

**Учинчи натижа** — жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукмлари миқдори изчил ортиб бормоқда.

**Тўртинчи натижа** — судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилган;

**Бешинчи натижа** — судьялар алмаштирилмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар кўрилган.

**Олтинчи натижа** — судьяларни бирламчи ва узлуксиз тайёрлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган, шу жумладан, Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби очилган.

**Еттинчи натижа** — судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда ва одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борадаги шаффофликни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

**Саккизинчи натижа** — коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат соҳасида бир қатор жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилган, хусусан, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва бундай чораларни амалга ошириш учун таъсирчан механизмлар яратилган.

Д.Гарсия-Саяннинг фикрича, ушбу чора-тадбирларни том маънода мустақил ва холис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблаш лозим. БМТ Махсус маърузачиси суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам, мустақил бўлишига эришиш борасида бир қатор тавсиялар ҳам берган.

Эътиборли жиҳати шундаки, суд-ҳуқуқ тизимининг навбатдаги босқичида биз белгилаб олган янги вазифаларнинг моҳияти БМТ Махсус маърузачисининг бу борадаги фикрлари билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Биз бу ўринда, хусусан, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июлда қабул қилинган **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонни назарда тутаяпмиз. Фармонда белгилаб берилган вазифалар мамлакатимизда одил судловни тўлиқ таъминлашга қаратилгани бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Миллий тараққиётнинг янги босқичида давлат тузилишига хос сиёсий-ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш шароитларида мамлакатимиз ҳудудлари ўртасида янги муносабатлар шаклланмоқда. Бунда ҳудудий яхлитлик тамойилига амал қилиш демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири сифатида нафақат давлат аппаратининг самарали фаолиятини, балки жамият ҳаётининг тўлақонли бўлишини таъминлайди.**

*Қонун моҳияти*

## Янги қонун: умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари уйғунлигини таъминлайди

Бу, ўз навбатида, инсон ва фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишига хизмат қилади. Шу маънода кейинги йилларда барча даражадаги маъмурий чегараларни ислоҳ қилиш масаласи давлатимиз диққат марказида турибди.

Мамлакатимиз ҳудудларини маъмурий бошқарув жиҳатидан мақбуллаштириш, хусусан, туман ва шаҳарларни вилоят, зарур ҳолларда, республика бошқарувига ўтказиш уларни ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имкониятини кенгайтиради. Шу билан бирга, инсоний ресурслар, табиий захиралардан янада оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш — ўзгаришлар муваффақиятини таъминлашнинг асосий мезонидир. Шу жиҳатдан, "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани муҳим қадамлардан бири бўлди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Судьялар очиқлик асосида имтиҳон қилинди



**Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашга доир ҳамда Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

Кенгаш ташаббуси билан тадбирга илк марта оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам таклиф этилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, тизим фаолияти очиқлик мезонига асосланмас экан, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш масаласида амалга оширилаётган ишларга соя тушаверади.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Бугунги кунда коррупция иллати дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу иллат ўта жиддий ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар келтириб чиқаради ҳамда давлат органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, жамият ривожланишига тўсқинлик қилади ва рақобатга путур етказади.**

*Глобал муаммо*

## Самарадор халқаро стандарт

### коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қилади

БМТ Бош котиби Антонио Гутерришнинг 2018 йил Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан сўзлаган нутқида қайд этилганидек, коррупция туфайли **дунё иқтисодиёти 2,6 триллион долларни йўқотмоқда. Бу дунёдаги мавжуд ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғини ташкил этади.**



Мамлакатлар ҳукуматлари коррупцияга қарши курашиш учун турли хил давлат дастурларини қабул қилмоқда. Аммо ушбу дастурлар етарлича самараларни бермаяпти.

(Давоми 2-бетда) ▶

# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУДУДЛАРДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бунинг натижасида 2,5 минг янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча тушум таъминланади.

Шунингдек, Тахиатош туманида Иссиқлик электр станциясининг ташланма иссиқ сувидан фойдаланиб, 54 гектарда 7 та гидропоника иссиқхонаси барпо этилмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йилда 500 та иш ўрни яратилади ва қўшимча солиқ манбаи пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудларда шундай имкониятлар борлигини таъкидлаб, уларни оқилона ишга солиш, кооперация орқали янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир захира — эркин иқтисодий зоналардаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 1 минг гектардан зиёд бўш ер майдонлари. Уларда 17 минг иш ўрни яратиладиган 120 та лойиҳани амалга ошириш мумкин. Йиғилишда ушбу лойиҳаларни пухта шакллантириб, тезроқ ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

"Яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш ва шу орқали қўшимча захираларни шакллантириш топшириғи берилди. Бундай қўшимча захиралар, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш учун муҳим манба бўлади.

Қўшимча захирларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринбосарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди. Бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда жорий этилган "темир дафтар"лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида ("Ёшлар дафтари"), ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида ("Аёллар дафтари") рўйхатлар шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янгича тартибда манзилли ишлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида сўзга чиққан ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни шакллантиришга доир режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

# Судьялар очиқлик асосида имтиҳон қилинди

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Судьялик лавозимига тайинлаш ваколати тўлиқ Судьялар олий кенгашига берилган бўлса-да, (аввал барча даражадаги судьялар Президент фармойиши билан лавозимига тайинланиб, яна шу тартибда озод этилар эди) суд тизимини салоҳиятли ва лаёқатли кадрлар билан тўлдиришдаги муайян камчиликларга йўл қўйилаётган, бу ҳол одил судловни таъминлашга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири бўлиб келаётган эди.

Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров айни пайтда суд тизимини етарли ҳаётий тажрибага эга бўлган, юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чоралари кўрилаётганини таъкидлади.

Кенгашнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўъбасининг маълумотига кўра, бугунги кунда 175 судьялик лавозими бўш турибди ва уларни муносиб кадрлар билан тўлдириш борасида белгиланган тартибда барча чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Кенгаш фаолиятида илк марта бўш судьялик ўринлари учун ҳудудлар кесимида танлов ўтказилиши оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилингани ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар сирасига киради.

Судьялар олий кенгашининг навбатдаги йиғилишида беш йил ва ундан кўп муддат судья сифатида фаолият юритиб, муддати тугаган 19 нафар судьяни навбатдаги янги ваколат муддатига тайинлаш масаласи кўриб чиқилди.

Эътироф этиш керакки, шу кунга қадар судьяларнинг тайинланиш жараёнини кузатиш ва ёритишда очиқлик етарли даражада таъминланмаётган эди. Бу сафар эса, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилгани, жараённи тўлиқ кузатиш учун керакли шарт-шароитлар яратилгани тизимда янгича ёндашув, очиқлик, шаффофлик тамойиллари қарор топаётганини кўрсатди.

Бу эса, илғор демократик давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгаши фаолиятида судьяларни янгича мезон ва тартиб асосида шаффоф тайинлашнинг янги даври бошланганини англатади.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Эътироф*

# Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришларга маҳлиё бўлиб, олдимизда турган муҳим ишлардан чалғиб қолмаслигимиз керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, **халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан рози, дейишга ҳали эрта.**

Кейинги даврда суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу боис жорий йил 10 августда давлатимиз раҳбари томонидан **"Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармон қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатни тасдиқлашдан мақсад — мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришдир.

Фармонга асосан, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди:

***биринчидан,*** шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, суд-тергов фаолияти сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

***иккинчидан,*** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш билан бирга, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

***учинчидан,*** шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

***тўртинчидан,*** жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жумладан, "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимини ҳамда айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишни таъминлаш.

Шунингдек, прокурор-криминалист лавозимини жорий қилиш, тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш орқали суриштирув ва дастлабки тергов органларининг кадрлар салоҳиятини ошириш;

***бешинчидан,*** жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш.

Шунингдек, Президентимиз жорий йил 22 июнда имзолаган Фармон билан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси** доирасида 53 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқаро шартномани ратификация қилиш — жами 98 та ҳужжат устида изчил иш олиб бориш белгиланган.

Шунингдек, "Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида" ҳамда "Бепул юридик ёрдам тўғрисида"ги янги қонунлар ишлаб чиқилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми имзоланган тарихий кун арафасида тасдиқланганида ўзига хос рамзий маъно бор.

***Биринчидан,*** БМТ Низомининг 1945 йил 26 июнь куни имзолангани жаҳон жамоатчилиги учун қанчалик улкан тарихий аҳамият касб этган бўлса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси халқимиз учун шунчалик муҳим тарихий қимматга эгадир.

***Иккинчидан,*** БМТ Низомида акс этган халқаро принцип ва нормалар ер юзидаги инсонларнинг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигига таянади. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясини тузиш тавсия этилган.

Шу биргина далилнинг ўзиёқ, фикримизча, Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ҳам глобал ҳамкорлик принципига таянишини яққол англатиб турибди.

***Учинчидан,*** БМТ Низоми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида глобал қўллаб-қувватланган биринчи ҳужжатдир. Ўз навбатида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларда белгилаб берилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона ва мувофиқлаштирувчи сиёсатнинг самарали воситаси бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг мақсади — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдир.

Фармон билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясидан ташқари яна иккита муҳим ҳужжат ҳам тасдиқланди.

Булардан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" бўлса, иккинчиси — БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳисобланади.

Содда қилиб айтганда, Миллий стратегияда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилган.

Шу йил 12-13 август кунлари бўлиб ўтган ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми** нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда "Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди.

Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалаб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, мазкур халқаро анжуман ишида 30 дан ортиқ Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари вакиллари мамлакатнинг барча ҳудудларидан туриб иштирок этдилар.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида янги ташкил этилган Ёшлар парламентлари вакилларининг фаоллигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Юртимизда кейинги даврда тузилган ёшлар ташкилотлари ҳақида сўз борар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилганини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Президентимиз жорий йил 29 майда имзоланган "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли ҳар бир шахс ўз қадр-қиммати, орномуси ва ғururini англаши, "Мен — эркин инсонман" деган туйғуни теран ҳис этиб яшаши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Зеро, **мустақиллик — бу ҳуқуқ.** Мустақиллик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилидир.

**Акмал САИДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

*Глобал муаммо*

# Самарадор

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Коррупцияни идрок қилиш индекси (Corruption Perception Index) 2018 йил учун эълон қилган маълумотларга кўра, дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи 0 дан 100 гача бўлган шкалада 50 дан паст балл тўплаган ва ўртача балл 43 га тенг бўлган. Бундан кўринадики, кўпгина мамлакатлар коррупцияни сезиларли даражада назорат қилишга ҳали ҳам қодир эмас.

Шу маънода, ISO 37001:2016 рақамли "Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари — фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар" халқаро стандартининг ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ISO 37001:2016 ўзи нима? Бу — ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

Мазкур халқаро стандарт коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун талабларни ва раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди. У 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан иборат махсус шакллантирилган "Anti-bribery management systems" ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган қуйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:

a) давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;

b) ташкилотлар томонидан пора олиш;

c) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;

d) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;

e) ташкилотга пора бериш;

f) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларига пора бериш;

g) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;

h) тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали пора бериш каби ҳолатлар. Масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора шу жумладандир.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ҳар қандай юрисдикцияда ва ҳар қандай сектор ҳамда тармоқда коррупцияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ушбу стандарт Малайзия ҳукумати томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижа берган. Хусусан, Малайзиянинг бир қатор муҳим халқаро тадқиқотлар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланган.

Шунингдек, Сингапур ва Хитойда давлат секторида, Индонезия ва Таиландда хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартидан фойдаланилади.

Буюк Британияда эса, Бирлашган Қиролликнинг Аккредитация хизмати (Accreditation Service) аккредитация схемасини ишлаб чиқиш учун ISO 37001:2016 бошланғич дастурини амалга оширган.

Дунёнинг энг йирик компанияларидан бўлган Microsoft ҳам ISO 37001:2016 стандарти бўйича сертификатга эга.

Шу ўринда нима учун ташкилотда ISO 37001:2016 стандартини жорий қилиш муҳим, деган савол туғилиши табиий.

Сир эмаски, йирик ташкилот раҳбари қўл остидаги ҳар бир ходимни тўлиқ назорат қила олмайди. Бунинг учун самарали тизим керак.

ISO 37001:2016 стандарти ташкилотга у қайси мамлакатда фаолият кўрсатишидан қатъи назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, сақлаш ва такомиллаштиришда ёрдам беради.

Ушбу стандартга мувофиқ бошқарув тизимини жорий қилиш ташкилот раҳбарига ҳар бир ходимнинг ҳалоллиги ҳақида хавотир тушиб юрмасликка имкон беради. Чунки бу ҳолат жорий этилган тизим томонидан назорат қилинади.

Тизимнинг жорий этилиши натижасида ташкилот зарур натижани берадиган механизм сингари ишлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ISO 37001:2016 стандарти нафақат коррупцияга қарши тизимга нисбатан аниқ талабларни белгилайди, балки ташкилотнинг бошқарув тизимига талабларни жорий этиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштирадиган тизимни яратиш бўйича раҳбарий кўрсатмалар ҳам беради.

Бунда тизимни жорий этиш:

- маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;
- марказий аппарат ва ҳудудий тузилмалар кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;
- давлат идоралари, тармоқлар, ҳудудлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;
- фуқаролар, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

*Қонун моҳияти*

# Янги қонун: умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари уйғунлигини таъминлайди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2020 йил 19 майда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги муносабатларни қатъий тартибга солишга хизмат қилади. Қонуннинг айнан ҳозирги босқичда қабул қилиниши бир неча объектив сабаблар билан боғлиқ.

Аввало, амалдаги **"Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"**ги қонун мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини тизимли ҳал этишни таъминлай олмайди. Қонун 1996 йилда қабул қилинганда 31 моддадан иборат бўлгани ҳолда, бугунги кунгача шундан қарийб тенг ярми, яъни 15 та модда турли сабабларга кўра, ўз кучини йўқотган.

Шу боис, мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари билан боғлиқ муносабатларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар орқали қонуний тартибга солиш бугунги кун заруратларидан бири ҳисобланади.

Амалдаги қонунда мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан босқичма-босқич қарор қабул қилиш тартиби белгиланмаган. Бундан ташқари маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилмаган ва тартибга солинмаган.

Бу бўшлиқларнинг барчаси, ўз навбатида, ушбу масалаларда чуқур таҳлил қилинмаган қарорларнинг қабул қилинишига олиб келаётган эди.

Янги таҳрирдаги қонун мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилишининг асосий тамойилларини белгилашга қаратилган. Унда бу борадаги тегишли масалаларнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари аниқ қайд этилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган янги қонунда замон талаби билан юзага келган барча янги жиҳатлар батафсил ёритилган.

Хусусан, қонуннинг 3-моддасида соҳадаги асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилган. Унга кўра, маъмурий-ҳудудий тузилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудини маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлиш демакдир.

Республика бўйсунувидаги шаҳарлар — ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли иқтисодий ва маданий марказлари бўлган, стратегик аҳамиятга ҳамда ривожланган инфратузилмага эга бўлган аҳоли пунктлари ҳисобланади.

Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар эса, аҳолисининг сони, қоида тариқасида, камида ўттиз минг киши бўлган, муҳим маъмурий аҳамиятга, ривожланган инфратузилмага ва саноат корхоналарига эга, шунингдек, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар бўлган аҳоли пунктларидир.

Ана шу таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиши маъмурий-ҳудудий бирликлардаги давлат бошқарувининг самарадорлиги, тегишли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши каби тамойилларга асосланади. Дарвоқе, ушбу асосий принциплар қонуннинг 4-моддасида алоҳида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари янги таҳрирдаги қонунда Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари аниқ белгилаб қўйилган ва тегишли механизмлари ўрнатилган.

Бу жуда муҳим, чунки бундай таклифлар нафақат умумдавлат, балки ҳудудлар манфаатларига мос келиши билан бирга, аҳоли фикр-мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Бунда нафақат яқин келажак, балки узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш имкониятлари ҳам кўздан қочирилмаслиги керак.

Яна бир жиҳат. Амалдаги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишдаги ваколат ва вазифалари аниқ белгилаб берилмаган, бу борада тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар йўқ.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати мавжуд эмас. Қолаверса, маъмурий чегараларни жойида белгилаш механизмлари қайд этилмаган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 9-моддасида эса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ваколатлари бирма-бир санаб ўтилган.

Аҳоли пунктлари тоифасини ўзгартириш масалаларида қарор қабул қилиш учун зарур ҳужжатлар ҳам алоҳида моддаларда белгиланган.

Қонуннинг 32-моддасига кўра, шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш учун тегишли вилоят ҳокими Вазирлар Маҳкамасига:

- шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;




- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

- вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

- шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китобларни ва харажатларни молиялаштириш манбаларини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тўғрисидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Қарабсизки, бу каби масалаларни ҳал қилиш борасида барча демократик тамойилларга амал қилинади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Янги таҳрирдаги қонунга кўра, соҳадаги муҳим масалалар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича комиссиялари воситасида ҳал этилади.

Қонуннинг 11-моддасида комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланган. Яъни бундай комиссиялар маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифлари ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг илтимосномаларини кўриб чиқиш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Бу, ўз навбатида, соҳада муҳим қарорлар қабул қилишдан аввал уларнинг камчилик ва афзалликларини асослаш имконини беради.

Қонунда мазкур комиссиялар зиммасига юклатилаётган жуда муҳим ва масъулиятли ваколат ва вазифалар белгиланган. Жумладан, уларга тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир таклифлар ва илтимосномаларни, шунингдек, таклифлар ва илтимосномалар тегишли ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларига мувофиқлигини давлат экспертизасидан ўтказиш ваколати бериляпти.

Бундан ташқари маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинишини таъминлаш ҳам ушбу комиссияларнинг вазифасига киритилган.

Шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини кўриб чиқишда асоссиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик учун комиссия раҳбарлари ва аъзолари масъул бўладилар.

Янги таҳрирдаги қонунда Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш масалаларида махсус коммиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш механизми ҳуқуқий нормалар асосида белгиланган.

Бундан ташқари маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларида қабул қилинган қарорларга жойларда амал қилиниши механизмлари жорий этилган. Хусусан, қонун маъмурий чегараларни жойда белгилаш ҳуқуқий механизмлари киритилган жами 8 та боб ва 45 та моддадан иборат.

Мазмун-моҳиятига кўра, ушбу қонун мамлакатимиз ҳудудлари манфаатларини бирдек ифода этади.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси*

# Янги Ўзбекистон: юксалиш одимлари

**Ўзбекистон халқи пандемия инқирози билан боғлиқ бугунги шароитда мураккаб синовларни бошидан кечираётган бўлса-да, Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишга қизғин тараддуд кўрмоқда.**

Коронавирус пандемияси кўплаб ривожланган давлатлар иқтисодини фалаж ҳолатига келтириб, давлатчилик асосларини ларзага солмоқда. Жаҳон иқтисодиёти турли талафотларга дуч келмоқда. Шундай бир пайтда мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик сақланиб, аввало, инсон ҳаёти ва соғлигини асрашга қаратилган барча чора-тадбирлар амалга оширилгани диққатга лойиқдир.

Хусусан, коронавирус аломатлари давлатимиз ҳудудида аниқланган биринчи кунларданоқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартда "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда макроиқтисодий мувозонатни барқарорлаштириш ва пировардида бўлажак иқтисодий талафотларни камайтиришга қаратилган долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида республика ҳукуматининг кундалик назорати остида ушбу таҳдидларга қарши ўз вақтида самарали ечим топишга муваффақ бўлинмоқда. Бунинг замирида, албатта, Ватанимизнинг қарийб ўттиз йилик мустақиллик даврида миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори яратилгани, иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши кафолатлангани, миллатлараро тотувлик ва фуқаролик жипслиги негизида ижтимоий барқарорликнинг таъминлангани ҳаётбахш қудрат ва қалқон бўлиб тургани шубҳасиздир.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Жиноят ва жазо*

# Ўз рафиқасини чув туширган фирибгар

**Одатда, фирибгарлар содда, ишонувчан кишиларга ўзларини ўта бечораҳол, хокисор қиёфага солиб кўрсатиб, ғаразли мақсадларига етишни кўзлашади. Аммо бегоналар қолиб, ўз таниши ва қўшниларини, ҳатто умид билан бир ёстиққа бош қўйган рафиқасини ҳам чув туширган устаси фаранг фирибгар ҳақида эшитганмисиз?**

Ажабланманг, ана шундай кимса бор экан орамизда.

Бу — Фарғона шаҳрида яшовчи, 32 ёшли Дилмурод Эрматов (исм-шарифлари ўзгартирилган) бўлиб чиқди. Жиноят иши материалларидан аён бўладики, Дилмуроднинг жиноий хатти-ҳаракати, аниқроғи, турмуш ўртоғи Холида Эрматовага нисбатан фирибгарлиги 2018 йилнинг февраль ойидан бошланган. Ўшанда у "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Фарғона минтақавий филиалидан Х.Эрматова номига 4.050.000 сўм миқдорида кредит олади.

— Кредит фоизлари ва тўловларини банкка ўзим қайтараман, — дейди у хотинини ишонтириш мақсадида.

Д.Эрматов шундай дея кредитнинг 1.476.000 сўмини тўлайди-ю, қолган 2.574.000 сўм миқдоридаги қисмини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

(Давоми 4-бетда) ▶

# халқаро стандарт

*коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қилади*

Айни чоғда, ISO 37001:2016 стандарти бўйича сертификат олиш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тақозо этилади. Шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш керак.

ISO 37001:2016 стандарти ҳар бир ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан:

- коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;
- коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;
- ходимларни ўқитиш;
- коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;
- молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар.

Стандартга мувофиқ, коррупцияга қарши сиёсат учун ваколатли ва жавобгарлиги белгиланган коррупцияга қарши курашиш хизматини жорий этиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш хизмати етарли ресурсларга, тайинланган шахслар эса, тегишли малака, мақом, ваколатларга ва мустақилликка эга бўлиши лозим.

Хавф даражаси паст даражадан юқори бўлган барча лавозимларга, шунингдек, коррупцияга қарши кураш хизматининг мутахассисларига нисбатан ташкилот қуйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:

- ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш, уларнинг коррупцияга қарши сиёсат ва бошқарув тизими талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини, яъни бонуслар, мақсадли кўрсаткичлар ва ҳоказоларни уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;
- ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатга мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан декларация тўлдириб турадилар.

Шунингдек, ушбу стандартга мувофиқ бўлиш учун ташкилот ўз ходимларини етарли даражада хабардор қилиш ва ўқитишни таъминлаши даркор. Бундай ўқитиш тизими, зарур ҳолларда, коррупция хавфини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги саволларни ўз ичига олади:

- ташкилотнинг коррупцияга қарши сиёсати, коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва бошқарув тизими, шунингдек, ходимнинг уларга мувофиқ бўлиш мажбурияти;
- коррупция хавфлари ва улардан ходим ва ташкилот учун зарарлар;
- хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган коррупция ҳолатлари ва уларни аниқлаш усуллари;
- таъмагирлик ва пора таклиф қилишга уринишларни қандай аниқлаш ва ўзини қандай тутиш кераклиги;
- ходимлар қандай қилиб порахўрликдан огоҳлантириш ва олдини олишга ёрдам бериши, шунингдек, коррупциянинг асосий индикаторларини аниқлаб олиши мумкинлиги;
- коррупцияга қарши бошқарув тизимининг самарадорлигига қўшган ҳиссаси, шу жумладан, коррупцияга қарши кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва порахўрликда гумон қилинганлар тўғрисидаги хабарлар рағбатлантирилиши;
- коррупцияга қарши бошқарув тизими талабларини бажармасликнинг асоратлари ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари;
- мавжуд ҳар қандай гумонлар ҳақида кимга ва қандай тартибда хабар бериш мумкинлиги;
- мавжуд ўқитиш ва бошқа ресурслар ҳақида маълумот.

Бундан ташқари ташкилотда пора сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳолатларда совғалар, миннатдорчилик рамзлари, хайр-эҳсон ва шунга ўхшаш рағбатлантириш турларини таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар жорий қилиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ISO 37001:2016 стандартини жорий этиш Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг ишончини орттириш, ходимларнинг ҳалоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффоф ва самарали тизимини яратишни мақсад қилган давлат идоралари учун самарали восита бўлиши мумкин.

ISO 37001:2016 сертификатини олиш орқали давлат органи ва бошқа ҳар қандай ташкилот ўзининг шерикларига, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларга коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф қилиш учун зарур бўлган барча чораларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошираётганини намойиш қилиш имконига эга бўлади.

**Аъзам МАДАМИНОВ,**
*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори*

**Амалдаги Жиноят кодексининг 251-моддасида назарда тутилган "Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш" жинояти кодекснинг XVII-бобини ўз ичига олувчи "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" тоифасига киради. Ҳаётда ўз шахсий манфаати йўлида ана шундай қабиҳ жиноятларга қўл ураётган ёшлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.**

*Сабоқ*

# Ёшлик — бебошликми?!

*ёки одоб-ахлоқ чегарасидан четга чиқишнинг аянчли оқибатлари хусусида*



Масалан, Миробод туманининг Қўйлиқ-4 даҳасида истиқомат қилувчи Шоҳаббос Ниғматов ва Ҳусан Усмоновлар 2019 йил 14 ноябрь тунги соат $23^{15}$ ларда Сирғали тумани Қўйлиқ 6-даҳасида жойлашган "Замин Фарм Бизнес" масъулияти чекланган жамияти дорихонаси олдига келишади.

Сўнгра бошларига ниқоб кийиб, "KWC" номли травматик пистолет ва пичоқ билан қуролланган ҳолда дорихонага бостириб киришади. Бу маҳалда дорихонада сотувчи Олмосбек Қўшбоқов савдо қилаётганди. Босқинчилар Олмосбекка пистолет ва пичоқ билан ўқталиб, танасининг турли қисмларига уриб жароҳат етказишади. Кейин эса, ўлдириб юбориш билан қўрқитиб, ундан кучли таъсир қилувчи "Регапен", "Тропикамид" ва "Целлофан" дори воситаларини беришни талаб қилишади. Буни қарангки, айни шу пайт дорихона иш бошқарувчиси Жасуржон Мақсудов келиб қолади. Табиийки, Ж.Мақсудов босқинчиларга фаол қаршилик кўрсатади. Натижада иккала жиноятчи ҳам қўлга олиниб, жиноий режасини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олишмайди.

Албатта, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш жиноятга жазонинг муқаррарлиги билandir. Бинобарин, ушбу ҳолат бўйича ҳам айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Оқибатда жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди Ш.Ниғматов ва Х.Усмоновларни Жиноят кодексининг 251-моддаси 3-қисми "а"-бандига биноан озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди.

— Дорихонадагилар оғайниларим Шоҳжаҳон ва Зафарга ўша дорилардан сотишган экан. Ҳозир иккаласи ҳам ғалати бўлиб қолган. Шунинг учун дорихона сотувчисини тартибга чақириб қўйиш учун боргандик, — деди суд мажлисидаги кўрсатмасида Шоҳаббос.

У бу фикри билан ўзини оқламоқчи бўлдию, аммо аслида унинг ўзи Ҳусан билан бирга кучли таъсир қилувчи дориларга жисмонан боғланиб қолган эди. Дарҳақиқат, буни Тошкент шаҳар наркологик диспансерининг 2019 йил 17 декабрдаги 1086 ва 1087-сонли хулосалари ҳам тасдиқлади.

Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёҳуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд, жазо тайинлаш билан бирга, уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ҳам қўллаши мумкин. Шунинг учун суд наркология диспансерининг хулосаларини инобатга олиб, Шоҳаббос Ниғматов ва Ҳусан Усмоновларга нисбатан жазони ижро этиш муассасасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилишини белгилади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг энг асосий мезонларидан биридир. Шундай экан, юқорида баён этилган жиноят ўз ўрнида фош этилиб, судланувчилар тегишли жазога тортилди. Лекин эндигина 20-23 ёшга кирган навқирон йигитларни назоратсиз қолдирган ота-онаси, маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари ва бошқа дахлдор шахсларга ҳам тегишли қонуний чора қурилиши шарт, назаримизда. Негаки, исм-шарифлари тилга олинган йигитлар вақтинча ишсиз, бўйдоқ, яъни уюшмаган ёшлардир. Улар билан жиддий равишда ишлаш, шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш эса, бутун жамоатчиликнинг зиммасидадир. Шундан келиб чиққан ҳолда суд томонидан хусусий ажрим чиқариш орқали айни масалага муносабат билдирилди.

**Музаффар КУКИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг судьяси*

*Мулоқот*

# Савол беринг, жавоб берамиз

**— Айтинг-чи, қарз шартномаси тузишда нимага эътибор қаратиш лозим?**



*— Биринчи навбатда, ушбу шартномани ёзма равишда тузилишига, кейинчалик шартноманинг мазмунига ва унда барча ҳолатлар акс эттирилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Жумладан, шартномада тарафларнинг аниқ номи (Ф.И.Ш. ёки юридик шахс номи), қарзга олинаётган сумма ёки ашё номи, пул ёки ашё айнан қарзга олинаётганлиги ҳақида шарт, қарзни қайтариш муддати ва шартлари (бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, устама фоиз билан ёки фоизсиз ва ҳоказо) ҳамда шартномани бузганлик учун жавобгарлик масаласи акс эттирилган бўлиши лозим.*

**— Қарз шартномаси хорижий валюта юзасидан тузилган бўлиб, тарафлар ўртасида низо чиққанда, қарз пуллари қайси валютада ундирилади?**



*— Бундай ҳолатда қарз сумма хорижий валютанинг Миллий банк томонидан белгиланган сўмга нисбатан қийматида ундирилади. Чунки "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади.*

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун тарифлар, нархлар, шу жумладан, миллий электрон савдо майдончаларидаги шундай тарифлар, нархлар, шунингдек, юридик шахсларнинг устав фондлари (устав капиталлари) миқдорларига доир талаблар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида белгиланади.*

**— Агар қарз шартномаси маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси томонидан тасдиқланган бўлса, у юридик кучга эга бўладими?**




*— Ҳар қандай ёзма битим, бирон-бир давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан тасдиқланган-тасдиқланмаган бўлишидан қатъи назар, суднинг қарорига асосан ҳақиқий эмас, деб топилмаган бўлса, юридик кучга эга ҳисобланади.*

**Саволларга Олий суд судьяси Фируз ТУРСУНОВ жавоб берди.**

# Янги Ўзбекистон: юксалиш одимлари

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Истиқлол йиллари билан боғлиқ қисқа тарихий даврга назар ташлар эканмиз, аввал Ўзбекистон фақат хомашё етказувчи, пахта яккаҳокимлигига асосланаган аграр мамлакат бўлганини эслаймиз. Ўтган даврда эса, кўп тармоқли саноат ва замонавий агросаноат комплекслар тизимини барпо этиб, юксак илмий-интеллектуал салоҳиятга эга давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганини кўрамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзини сиёсий жиҳатдан таъминлаган ва жаҳон сиёсий-иқтисодий майдонида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган давлатлардан бирига айланди. Сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақиллик, ташқи дунёга очиқлик, миллий ўзига хосликни сақлаш, юксак маънавият ва ўз тарихига ҳурмат, диний ва маданий бағрикенглик Ўзбекистон миллий уйғониш фалсафасининг асосий таркибий қисмидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улуғвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дарҳақиқат, миллий давлатчилигимизда демократик тамойилларни янада чуқурлаштириш, кенгроқ жорий этишга қаратилган ушбу янги сиёсат асослари 2017 йилнинг 12 июль куни Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувдаги маърузасида белгилаб берилди.

Ўша йилнинг ўзида давлатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқиш институти жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, миллий парламент, бутун депутатлар корпуси фаолиятини тубдан модернизация қилишнинг асосий негизига айланди.

Ўтган қисқа муддатда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ҳар йили йўллайдиган Мурожаатномаларида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти соҳасидаги ишлар қайта кўриб чиқилиб, сифат жиҳатидан янги шакл ва усуллар жорий этилди.

Барча поғонадаги депутатларнинг бевосита халқ билан очиқ ва самарадор мулоқотлар олиб бориши ва жойларда мавжуд муаммо-камчиликларнинг ҳал этилиши билан халқнинг сайланган вакилларига ишонч-ҳурмати ошди.

Олий Мажлис аъзоларининг кенг ижтимоий қатламлар ҳаёти ва муаммолари билан яқиндан танишиш, уларни холис таҳлил қилиш жараёнида депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги фаолиятининг натижадорлиги юксалди. Бундан ташқари, парламент фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

Миллий парламентаризм фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, умумжаҳон талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган сайлов жараёнига тегишли қонунлар ва тизимли ислоҳотлар негизида Президентимиз ташаббуси билан ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Шу асосда "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида умумхалқ сайлови бўлиб ўтди.

Халқимизнинг заковати ва эртанги кунга бўлган ихлосу ишончи боис, демократик давлат қуриш, ижтимоий барқарорликка эришиш, иқтисодий тараққиёт асосларини яратишдек мураккаб жараёнлардан ёруғ юз билан ўтдик ва тараққиётниг янги босқичига чиқа олдик.

Пандемиянинг бугунги кунда давом этаётган асоратлари даврида ҳам юртимизда бунёдкорлик ишлари кенг қамровларда давом этмоқда. Йигирма тўққиз йил муқаддам дунё харитасида пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ташаббускор аъзоси сифатида эътироф этилган Ўзбекистон давлати халқимизнинг тарихи ва келажак авлодлар тақдирида ҳамиша ишонч ва ғурур рамзи бўлиб қолади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Жиноят ва жазо*




◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега Дилмурод кредит маблағини ўзининг эмас, балки турмуш ўртоғининг номига расмийлаштирган?

Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, у ҳеч қаерда ишламагани боис Фарғона шаҳридаги 32-мактабгача таълим муассасасида фаолият юритувчи аёлининг иш ҳақини кредит таъминоти сифатида расмийлаштирган.

Шу тариқа кейинги гал — 2018 йилнинг июнь ойида рафиқасининг номига "Ҳамкорбанк"нинг Истиқбол филиали томонидан расмийлаштирилган 7.000.000 сўмлик кредит маблағини қўлга киритади.

У хотинини ишонтириш ва тинчлантириш мақсадида қарзнинг 1.204.265 сўмини тўлайди, холос. Қолган 5.795.735 сўм маблағни яна ҳамёнига уради.

Бундан ташқари фирибгар эр рафиқасини "Ишонч" кредит савдо дўкони вакиллари олдида ҳам мулзам қилади. Яъни 2018 йил сентябрь ойида ушбу савдо дўкони ва Холида Эрматова ўртасида 14.279.000 сўмлик маиший техника буюмларни харид қилиш юзасидан шартнома имзоланади. Бироқ кредитни тўлиқ ўзи қайтаришини ваъда қилган куёвтўра бор-йўғи 3.640.000 сўм миқдоридаги тўловни амалга оширади, холос.

Шундан сўнг Д.Эрматов хотинининг ҳамкасбларини — шаҳардаги 32-мактабгача таълим муассасаси ходимларини нишонга олади. Уларни ҳам худди хотини сингари алдаб, кредит тўловларни ўзи тўлашини ваъда қилиб, муассаса ходими Гулбаҳор Каримова номига "Алоқабанк"нинг Фарғона филиалидан 8.000.000 сўм миқдорида кредит ажратилишига эришади. Лекин ушбу қарзнинг ҳам бир қисмини — 1.212.121 сўмини тўлаб, 6.787.879 сўмини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида сарфлайди. Кредит фоизи ва асосий қарзни қайтаришни эса, хаёлига ҳам келтирмайди. Г.Каримова эса, бундан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига жавобгар тариқасида чақиртирилгач, хабар топади. Натижада суднинг 2019 йил 18 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан ундан кредитнинг асосий қарзи ва фоизлари эвазига банк фойдасига 6.920.356 сўм ҳамда 276.814 сўм давлат божи ундириш белгиланади. Аммо Гулбаҳор Каримова 32-мактабгача таълим муассасасидаги Дилмуроднинг фириб тўрига илинган ягона ходим эмасди. Негаки, "қаҳрамон"имиз хотинининг ҳамкасбларидан яна Зуҳра Баҳриддинова ва Муслима Ҳайдароваларни ҳам чув туширади. Аниқроғи, у 2018 йил ноябрь ойида Зуҳра Баҳриддинова номига "Ишонч" кредит савдо дўконидан 3.794.000 сўмлик маиший техника буюмларини, 2019 йил январь ойида эса, "Капиталбанк"нинг Фарғона филиалидан 6.000.000 сўм миқдорида кредит маблағини олади-да, иккала қарз ҳисобидан, бор-йўғи, 1.563.965 сўм тўловни амалга оширади. Ёки 2019 йил февраль ойида Муслима Ҳайдарова номига "Қишлоққурилишбанк"нинг Марғилон филиали ҳамда "Капиталбанк"нинг Фарғона филиали томонидан расмийлаштирилган жами 17.000.000 сўм миқдоридаги кредит маблағларини қўлга киритади. Бироқ уларнинг эвазига банкларга атиги 991.678 сўм тўлайдию, қолганини....

Буни қарангки, Д.Эрматов Фарғона шаҳрининг ўзи истиқомат қиладиган Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Гулшаной Ўлмасовани ҳам лақиллатади. Пировардида Г.Ўлмасова Дилмурод учун ўз номига "Капиталбанк"нинг Фарғона филиалидан 9.000.000 сўм, "Ипотекабанк"нинг Фарғона вилоят филиалидан 10.000.000 сўм миқдорида, "Гаранд" кредит савдо дўконидан 3.206.000 сўмлик маиший техника буюмларини олиб беради. Аммо фирибгар ушбу маблағларни қайтариш ўрнига 20.660.344 сўмини "ҳазм" қилиб юборади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ака-ука Бобурбек ва Баҳодир Холиқовлар Дилмурод Эрматовнинг қилмишларидан бошқаларга нисбатан кўпроқ жабр кўрди. Чунки Д.Эрматов 2018 йил октябрь ойидан 2019 йил февраль ойига қадар Бобурбек ва Баҳодир Холиқовларнинг ўзи, Бобурбекнинг турмуш ўртоғи ва онаси А.Эргашова номига "Фартуна бизнес" микрокредит ташкилотидан 57.000.000 сўм кредит маблағи ҳамда "Ишонч" ва "Гаранд" кредит савдо дўконларидан 5.145.000 сўмлик маиший техника буюмларини олишга эришади. Бунинг учун Баҳодир шахсий "Кобальт" русумли автомашинасини гаровга қўяди. Бироқ у шунча кредит маблағини ҳеч иккиланмай шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Қолаверса, Дилмурод 2019 йил март ойида Баҳодирдан 900 АҚШ доллари миқдорида қарз олиб, қайтариб бермайди.

Мана шу тариқа Д.Эрматов рафиқасидан ташқари фуқаролар Маҳлиё Эргашева, Юлдузхон Ҳакимова, Асадулло Абдураҳмонов, Азизбек Номозов, Равшанжон Абдуллаев, Зарифа Маматова, Абдураҳим Абдунумонов, Элёржон Тешабоев ва Музаффаржон Тўйчиевлар номига тижорат банклари, кредит савдо дўконлари, микрокредит ташкилотларидан пул маблағлари ҳамда маиший техника буюмларини олиб, қарзларини қайтармай, 41 та ҳолатда фирибгарликка қўл уради. Лекин жабрланувчиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга қилган мурожаатига биноан, кўп ўтмай унинг кирдикорлари фош бўлди. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Аммо шунда ҳам Дилмурод жабрланувчиларга етказилган зарарларни қопламади. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б"-банди билан айбдор деб топиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди. Шу билан бирга, судланувчидан "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ҳамкорбанк", "Алоқабанк", "Капиталбанк", "Агробанк", "Ипотека банк", "Микрокредитбанк", "Қишлоққурилишбанк" Фарғона филиаллари, "Техномарт" номли савдо дўкони, "Гарант мебеллари", "Фарғона Бест Мебел", "Фарғона Ишонч савдо" масъулияти чекланган жамиятлари, "Фортуна бизнес" микрокредит ташкилоти, "Мунис мебеллари" савдо дўкони, фуқаролар А.Номозов, Э.Тешабоев, М.Тўйчиев Б.Холиқов ва А.Абдураҳмоновлар фойдасига 239.588.616 сўмлик моддий зарарни ундириш белгиланди.

Ажаб эмас, энди "қаҳрамон"имиз ўзига тегишли хулоса чиқариб, жиноий хатти-ҳаракатларига чек қўйса. Зеро, қонун измидан чиқмай, пешона тери эвазига умргузаронлик қилишга нима етсин?!

**Авазбек ИНАМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Шаҳноза Аҳатовага отаси

**Музаффар АҲАТОВ**нинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими мудири, юридик фанлар номзоди, доцент

**Абдулҳай МЎМИНОВ**нинг

вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига таъзия билдиради.

**Маълумки, судлар тарихи инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, одам боласи ўз ҳаётининг ҳали ибтидойи палласидаёқ турли-туман низо, баҳс-мунозараларни бошидан кечирган. Ана шундай низо ва баҳсларни оқилона ҳал этиш, адолатни қарор топтириш учун зукко ва тадбирли кишиларга эҳтиёж туғилган. Ҳакамлар фаолияти ҳам айни шу палладан бошланган, десак, хато бўлмайди.**

**Аммо бугун биз судлар тарихи ҳақида эмас, балки суд фаолиятида рўй берган ғаройиб воқеа-ҳодисалар тўғрисида фикр юритиш ниятидамиз. Ҳолбуки, судларнинг кўп минг йиллик тарихида бир-биридан ғаройиб ва қизиқарли воқеалар кўплаб учрайди. Қуйида шулардан айримларини эътиборингизни ҳавол этишни лозим топдик.**

*Ғаройиб олам*

# Нил Армстронг сартарошни нега судга берган?

XII асрда Хитойда судьялар суд жараёнида қора кўзойнак тақиш тартиби қатъий жорий этилган. Албатта, судьялар қуёш нуридан ҳимояланиш мақсадида қора кўзойнак тақишмаган, аксинча, ишни кўриш жараёнида кўзларида зуҳур бўлган маъно ва ҳиссиётни суд жараёнига иштирок этаётганларига сездирмаслик мақсадида шундай йўл тутишган.

* * *



Дунёга машҳур фазогир Нил Армстронгни барчамиз яхши танийимиз. Буни қарангки, Нил Армстронг кунлардан бир кун ўзи доимий мижоз саналган сартарошни судга беради. Хўш, бунга нима сабаб бўлган? Сартарош машҳур фазогирнинг иззат-нафсига текканми ё уни ҳақорат қилганми? Йўқ, сартарош Нил Армстронгни ҳақорат ҳам қилмаган, унинг иззат-нафсига ҳам тегмаган, балки у машҳур фазогирнинг сочларини пуллаган...

Ўша пайтда Нил Армстронг шу қадар машҳур бўлганки, унинг соч толаларини ҳам исталган нархда сотиб олишга тайёр одамлар топилган. Бу, табиийки, фазогирга ёқмаган ва у сартарошнинг устидан судга мурожаат қилган.

* * *

Гап судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳақида кетганда, америкалик Жонатан Лининг исм-шарифи албатта тилга олинади. Бу бежизга эмас. Чунки бу шоввоз судга шунчалик кўп даъво аризаси билан мурожаат қилганки, охир-оқибат унинг номи Гиннес рекордлар китобига киритилган. Аммо Жонатан Ли номи рекордлар китобидан жой олганидан асло хурсанд бўлмаган. Аксинча, у азбаройи кўнгли ранжиганидан яна судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Гиннес рекордлар китобидан номини ўчириб ташлашни талаб қилган.

* * *



"Қирол Шер" номли мультфильм аллақачон дунё халқларининг севимли фильмига айланиб улгурган. Бу мультфильмни нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам мароқ билан томоша қилади. Аммо "Қирол Шер" катта экранларга чиққач, америкалик биолог олим "Дисней" киностудиясини судга беради. Хўш, бунга нима сабаб бўлган? Биолог олим билан "Қирол Шер" мультфильми ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Маълумки, "Қирол Шер" мультфильмида гиен (чиябўрилар)-лар ўта ёвуз, очофат ва йиртқич қиёфада тасвирланган. Америкалик биолог олим чиябўрилар айнан шундай тавирланганига кескин норозилик билдиради. "Мен чиябўрилар ҳаётини чуқур ўрганган олим сифатида шуни ишонч билан айтаманки, бу жонзотлар, табиатан, ўта ювош ва безиёндир. Мультфильмда уларнинг бундай қиёфада тасвирланиши ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди", — дея биолог олим судга ўзининг илмий хулосаларини ҳам тақдим этган.

* * *



1798 йилда ўша даврнинг энг бадавлат кишилардан бири саналган англиялик Уильям Женненс вафот этади. Буни қарангки, у сўққабош умр кечирган, хотини ва болалари йўқ эди. Бунинг устига у вафотидан олдин бойлигини кимгадир васият қилиб ҳам қолдирмаганди.

Шунинг учун унинг бойлигини тақсим қилиш жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Охир-оқибат эса, суд томонидан марҳумнинг узоқроқ жиянини меросхўр деб топилади. Аммо бахтсизликни қарангки, орадан кўп ўтмай бу меросхўр ҳам ҳаётдан кўз юмади.

Шундан сўнг марҳумнинг икки миллион фунт стерлинг миқдоридаги бойлигини унинг бошқа қариндошлари ўртасида тақсимлашга қарор қилинади. Суд айни шундай қарорга келгач, ўзини марҳум миллионернинг қариндошиман деб даъво қилганлар сони кундан-кун кўпайиб кетади. Бу ҳолат эса, мен меросхўрман, деб даъво қилувчилар ўртасида кескин низо келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис айнан мерос можаросига бағишланган суд муҳокамалари нақд 117 йилга чўзилади. Энг қизиғи шундаки, марҳумнинг барча бойлиги 117 йилга чўзилган суд муҳокамаларига иштирок этган адвокатлар хизматига сарфланиб кетади.

* * *

1897 йил америкалик Зон Хистер хонимни ўз уйида ўлик ҳолида топишади. Ўша пайтда Зон Хистер хонимнинг ўлимига нима сабаб бўлганини аниқлаш имкони бўлмайди. Фақат дафн маросимидан сўнг орадан бир ой ўтгач, Зон Хистер хоним онасининг тушига киради ва у ўзини эри бўйнини синдириб, бўғиб ўлдирганини айтади. Албатта, бу бир туш эди, одамнинг тушига нималар кирмайди, дейсиз? Аммо Зон Хистер хонимнинг онаси шу тушдан сўнг буткул тинчини йўқотади ва қабрни қайта очиб, қизини текширишни талаб қилади. Унинг талаби инобатга олинади. Буни қарангки, текшириш жараёнида Зон Хистер хоним, ҳақиқатан ҳам, бўғиб ўлдирилгани ўз исботини топади. Шундан сўнг айбдор эр ҳибсга олинади ва суд ҳукми билан узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

* * *

1966 йилда Буюк Британия армиясининг собиқ зобити Р.Бэйтс мамлакатнинг сувли чегараларидан ташқаридаги ташландиқ ҳарбий платформани ўзбошимчалик билан эгаллаб олади ва Силенд номли мустақил давлат тузганини эълон қилади. Ва у ўзини князь Рой 1 деб атайди. Орадан икки йил ўтгач, Англия ҳукумати бу ёш давлатни босиб олиш мақсадида, ҳарбий катерларни юборади. Аммо князь бунга қуролли қаршилик кўрсатади. Шундан сўнг Англия ҳукумати бу можарони қонун йўли билан ҳал этиш мақсадида судга мурожаат қилади. Буни қарангки, суд бу ишни Англия юридикциясидан ташқарида деб топади. Шундан сўнг князни ҳеч ким безовта қилмайди. Ҳозирги пайтда Силенд давлатининг байроғи, герби, конституция, пул бирлиги ва ҳатто почта маркалари бор. Аммо қизиқ томони шундаки, уни дунёда биронта давлат тан олмаган.

**Жалолиддин ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
**Козимджан КАМИЛОВ**
**Робахон МАХМУДОВА**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Светлана АРТИКОВА**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Нодирбек САЛАЕВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Олим ҲАЙИТОВ**
**Азиз МИРЗАЕВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-823. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5047
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22:00. Топширилди: 23:45.